Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2022 йил "10" июнь да
44/2 - сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари
Б.Э. Захидов

# "ТРАСТБАНК" ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР

2022 йил «20» майдаги
"Трастбанк" ХАБ
Акциядорларининг навбатдаги умумий
йиғилишининг 55-сон баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кузатув Кенгаши Раиси Т.М. Шарипов

**"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки**
**Уставига киритилаётган ўзгартиришлар**

**1. 110-бандининг иккинчи қисмида "олтмиш кун" деган сўзлар "ўн кун" деган сўзлар билан алмаштирилсин**

**2. 115 банднинг:**

Биринчи қисмида "1 (Бир) йил" деган сўзлар "3 (Уч) йил" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Банк кузатув кенгаши таркибига миноритар акциядорлар қўллаб – қувватловчи аъзолар киритилиши мумкин. Банк кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Банк кузатув кенгаши 7 (етти) кишидан иборатдир. Банк кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Банк кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно".

**3. 142-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин.**

"Банк акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Банк томонидан нобанк кредит ташкилотлари қонунчиликда назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилади.

Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди".

**Банк Кенгаши Раиси** **Т.М. Шарипов**

Тикилган ва рақамланган

18 (ўн саккиз)

варақдан иборат

10 июнь 2022 йил

Имзо

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI
CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
Devonxona
Chancellery